

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОР ШАХС ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сўфиев А.А.

Фарғона давлат университети ўқитувчisi

Аннотация Мақолада мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, тадбиркор шахс ҳуқуқий маданиятининг шаклланишида давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқий тартиботга амал қилиш, демократик тамойилларнинг мустаҳкамланиши, уни ривожлантириш масалалари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: тараққиётнинг янги босқичи, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, демократик қадриятлар, тадбиркор шахс ҳуқуқий маданияти, тадбиркорлик фаолияти, иқтисодиётнинг модернизациялашуви, ижтимоий жараёнлар.

Аннотация В статье говорится о фундаментальных реформах, реализуемых на новом этапе развития нашей страны, соблюдении установленного государством правового порядка в формировании правовой культуры предпринимателя, укреплении демократических принципов, а также вопросах ее развития.

Ключевые слова: новый этап развития, права и свободы личности, демократические ценности, правовая культура предпринимателя, предпринимательская деятельность, модернизация экономики, социальные процессы.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар пировардида, “халқпарвар давлат” ва “халқпарвар иқтисодиёт” каби ижтимоий тушунчаларни таркиб топтиришда, ҳар бир фуқаро, хусусан тадбиркор шахсда қатъий хатти-ҳаракат, ноодатий фикрлаш ҳамда фаровон турмуш тарзига эришишни тақозо этади. Озод мамлакатнинг фуқароси эканлигини чуқур ҳис қилган, Асосий Қонунимизда белгилаб берилган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилишлари, демократик қадриятларни асраб, ҳимоя қилган инсонларни ҳақиқий маънода озод ва эркин деб ҳисоблаш мумкин. Бинобарин, иқтисодий ривожланиш йўлидан илгарилашни ихтиёр қилган мамлакат табиий равишда шундай одамларга таянади ва доимо шундай фикр-мулоҳазали шахсларга эҳтиёж сезади.

Тадбиркор шахс ҳуқуқий маданиятининг шаклланишида давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқий тартиботга амал қилиш, демократик тамойилларнинг мустаҳкамланиши ҳамда тадбиркор шахс томонидан юқори касбий билим-кўникмаларини ўзларида мужассам этишлари талаб этилади.

Янги Ўзбекистоннинг қарор топишида, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куvvatlash устувор йўналишлардан ҳисобланиб, бу ўз навбатида мамлакат иқтисодий равнақи, аҳоли реал даромадларининг ошишига олиб келувчи аосий воситадир. Мазкур соҳада республикамизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти ҳам атрофлича ўрганилган, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар баён қилинган.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг модернизациялашуви ҳамда глобал интеграцион жараёнлардан маълум бўладики, тадбиркор шахс ҳуқуқий

маданиятининг шаклланиши ва тараққий этишини тадқиқ қилмай, мазкур масаланинг долзарбилиги ва амалий аҳамиятини аниқлай бўлмайди. Бунда жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий жараёнларни тартибга солиш, аҳоли бандлик масаласи, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, истеъмол қобилияtlарини ошириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, диверсификация жараёнларини жадаллаштириш каби йўналишлар устувор ҳисобланади. Мазкур соҳадаги ишлардан “Кейинги беш йилда соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди, 114 та лицензия ва руҳсатнома бекор қилинди, 33 та фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўtkazildi. Руҳсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилиб, муддатлари ўртача икки бараварга қисқартирилди. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича кўплаб чекловларга барҳам берилди.

Бундай қулайлик ва имкониятлар натижасида янги тадбиркорлик субъектлари кўпайиб, олдиндан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтиrmоқда. Кейинги беш йилда тадбиркорлар сони қарийб уч баравар ошди. Кўп ишбилармонлар ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринлари яратиб, нуфузли корхоналарга айланди. Ички ва ташқи бозорда ўз брендига эга тадбиркорлар синфи шаклланди” [1] - деб таъкидланиши орқали Янги Ўзбекистонни қарор топишида тадбиркор шахс ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи марказий ўринларда турганлигини эътироф этиш мумкин.

Умуман олганда, мамлакатимизда иқтисодий илоҳотлар жадал суръатларда юксалиб бормоқда. Буни биз юртбошимиз асослаб ўтган қуйидагича кўрсаткичлар орқали ҳам қайд этишимиз мумкин.

“Давлатимиз раҳбари, аввало, ўтган йилги учрашувдан бери бажарилган ишлар ҳақида қисқacha тўхталиб ўтди. Жумладан, бизнес муҳит яхшилангани натижасида ўтган бир йил давомида тадбиркорлар томонидан 55 мингдан ортиқ бизнес учун бинолар қурилган. Тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингтага кўпайиб, 26 мингтага етган. Яна минг нафари товар айланмасини 1 миллиондан 10 миллион долларгача етказган, 220 нафарининг тушумлари эса 100 миллион долларга етган. Экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингта бўлган, умумий экспорт ҳажми 30 фоизга кўпайган. Таъкидлаш лозимки, “йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган корхоналар – микро бизнес, 10 миллиард сўмгача бўлгани – кичик бизнес ва 100 миллиард сўмгача бўлгани ўрта бизнес тоифасига киради” [2].

Шундан келиб чиқиб, “2023 йил 1 январдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан олинадиган солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига, ягона 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилади” [3].

“Йиллик айланмаси 1 миллиард сўмдан ошиб, умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган корхоналар бир йил давомида фойда солигини 2 баробар кам тўлайди. Ушбу имкониятлар 370 минг тадбиркорга енгиллик яратади” [4].

Юқори салоҳиятли ўрта корхоналар сонини кўпайтириш зарурлиги таъкидланиб, улар учун қатор солиқ ва компенсация имтиёzlари белгиланди,” – кўриб турибмизки, кейинги беш йил оралиғида тадбиркорларни қўллаб-куватлаш, уни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича тизимли ва муентазам ишлар амалга ошириб келинаётганлигидан далолат беради.

Янги тараққиёт босқичида тадбиркор шахс ҳуқуқий маданиятини юксалтириш йўналишида бир қатор мамлакатларда давлат томонидан қабул қилинган дастурларни амалга оширишнинг самарали бошқарув тизимининг таркиб топиши уни амалга оширилишининг кафолати сифатида кўрилади. Ушбу масала юзасидан

хорижда эришилган тажрибалар ижобий характерга эга бўлиб, улар соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган олимлар ва тадбиркорлар учун амалий ёрдам бериб келмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти вакилларининг солиққа тортиш тизимини оптималлаштириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай молиявий тизимни шакллантириш, имтиёзли кредитлашни кенгайтириш, божхона тизимини ҳам такомиллаштириши, нафакат соғлом рақобатбардошлик муҳити, балки инвестицион барқарорликни шакллантиради.

Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга кўпайди. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётда банд бўлганлар сонидаги улуши 2019 йилда 76,2 % ни ташкил этиб, ЯИМ ишлаб чиқаришнинг таркиби бўйича 2019 йилда товар ишлаб чиқариш 58,7%, хизматлар ишлаб чиқариш 32,2% га етди. Хусусий корхоналар пул айланмаси 2020 йилга нисбатан 33 % га ўсидалди. Тадбиркорлик учун ажратилган кредитлар 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 13 % га ўсидалди” [5] дейдиган бўлса, келгусида бу рақамларнинг ўсиш динамикасини кутишимиз мумкин. Замонавий шароитларда давлатимиз меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларимизнинг салмоқли қисми тадбиркорликка йўналтирилганлиги масаланинг бугунги кундаги аҳамиятини кўрсатиб турибди.

Хулоса қиласидан бўлсак, янги ташкил этилаётган тадбиркорлик фаолияти субъектлари салмоғини янада ошириш мақсадида имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Республикаизда келажакда тадбиркор шахс хуқукий маданиятини ошириш борасида кўрилаётган барча чоратадбирлардан асосий мақсад шу соҳанинг мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида ва халқимиз моддий фаровонлигини сифат жиҳатдан оширишда тутган ўрнини, ролини янада ошириш ва мустаҳкамлашдан иборатдир. Тадбиркорлик фаолиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида амалга ошириш учун қатор вазифалар белгилаб олинган, булар марказлаштирилган, соҳалар бўйича ва айнан ҳар бир тадбиркорга йўналтирилиб, ўз навбатида бу йўналишда давлат-жамият-шахс каби тизимнинг самарали механизмини таркиб топтириш мақсадида амалга ошириледигон ислоҳотларнинг стратегик йўналишлари ишлаб чиқилган.

Адабиётлар:

1. <https://zarnews.uz/post/tadbirkorlik-istiqboli-yurt-taraqqiyoti-jamiyat-farovonligini-belgilaydi>
2. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/08/22/business/>
3. <https://sputniknews.uz/20220822/2023-yildan-boshlab-mikro-biznes-uchun--yagona-4-foizli-soliq-stavkasi-joriy-etiladi-27356490.html?ysclid=lu51013zb7795806122>
4. <https://president.uz/uz/lists/view/5449>
5. Махмудова Д.Р. Кичик бизнес ва уни бошқаришнинг методологик асослари, шакллари, методлари ва хусусиятлари // SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL 2022. VOLUME 1 ISSUE 7. - Б. 437.